

# **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ УҚИТИШ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ**

ЖДПИ катта ўқитувчиси Камолова Ширин Усаровна

Педагогика ва психология йўналиши биринчи босқич магистри Тўраева  
Барно Ўкрамовна

**Аннотация:** Мазкур мақолада бугунги глобаллашув жараёнига хос таълим технологияларидан фойдаланиш масалалари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** глобаллашув, педагогик технология, инновация, интерфаол метод, дунёқараш, ишбилиармонлар ўйини.

Ўқитишнинг интерфаол методларини таълим тизимида жорий этиш замонавий кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан биридир. Бугунги тезкор замонда таълим самарадорлигини оширишда энг мақбул йўли дарсларни интерфаол усуслардан фойдаланиб ташкил этилмоқда. Бу борадаги ишларнинг аҳамиятлилигини Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти қуидагича таъкидлаган эди: «Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устивор соҳаси деб эълон қилғанмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз».<sup>1</sup>

Шуни таъкидлаш кераккитаълим инсон билиш фаолиятининг энг муракқаб турларидан бири бўлиб, индивидуал психик ривожланишини ва билимларни ўзлаштиришни анча тезлаштиради. Бу борада юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев-“Ўқитувчи таълим жараёнида факат билим бериш билан чегараланмайди, балки бу жараёнда ўқувчи-талабага таъсир кўрсатади. Бу эса уларнинг билим олишларини янада фаоллаштиради. Натижада, талаба таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади. Таълимдаги ютуқлар, энг аввало, ўқитувчига боғлик.”<sup>2</sup>

Демак, таълим тизимида янгиликларни олиб кириш замонавий педагогик технологияларидан унумли фойдаланиш бугунги кун таълими олдига кўйилган муҳим вазифалардан биридир

Дарҳақиқат, интерфаол усуслар таълим жараёнининг унумдорлигини оширади, ўқувчиларнинг мустақил фиклаш жараёнини шакллантиради, талабаларда билимга иштиёқ ва қизиқишини оширади, билимларни мустаҳкам ўзлаштириш, улардан амалиётда эркин фойдаланиш кўникма ва малакаларни шакллантиради.

Бу борада Давлатимиз раҳбари, Таълим-тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларни янгилаш зарурлиги, билим беришда илғор

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз” – 7 чи том. – Тошкент: Ўзбекистон, 48...б.

<sup>2</sup> «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» G`G` Oliy ta'lif (me'yoriy huquqiy va uslubiy hujjatlar to'plami). – Toshkent: 2004. – 12 b.

тажрибалардан фойдаланиш,тарбияда эса миллий анъана ва қадриятларгасуяниш мухимлигини қайд этади.

Бугунги кунда таълим жараёнига ахборот технологияларни қўлланилиши жадаллашмоқда ва бу таълим жараёнини янада сифатли ташкил этишга таъсир кўрсатаётгани кўзга ташланмоқда.Шунинг учун хам таълим жараёнида интерфаол методларни қўллаш,таълим самарадорлигини ошириш учун тинимсиз изланиш бугунги куннинг эҳтиёжига айланди,талабаларнинг ўқиши мотивларини ўстиради.

Демак анъанавий таълимдаги каби бир ҳил шаблонлар асосида эмас балки,янгиликлар асосида таълим жараёнининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган иш шаклидан фойдаланиш инновация демакдир. Таълимда педагогик технологияларга асосланиш ва инновацияга интилиш,талабаларни фаоллаштиришга қаратилган турли интерактив методлардан фойдаланиш таълим мақсадини самарали амалга оширишга ёрдам беради.

Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи (педагог)лар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим оловучи (ўқувчи, талабалар)да мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантиқий фикрлаш, мавжуд гояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантиқий боғлиқликни топа олиш қобилияtlарини тарбиялаш учун кенг имконият яратади.

Инновациялар ўз навбатида қуйидагилар билан боғлиқ бўлади:

- Янги мавзуни қабул қилиш;
- Янги жараёнларни олиб кириш;
- Ривожланиш майдониниг янги мазмуни;
- Биргаликдаги харакатнинг янги ташкилий шакллари;
- Янги бошқарув;
- Янги маҳсулот кабилар.

Шу сабабли хам ҳозирда педагогик инновацияни яхлит мураккаб жараён сифатида қаралиб, унинг интерфаол сифатлари, тарбиявий қисмлари, функционал тавсифи ва узвийлиги изчил тадқиқ қилинмоқда. Бу борада биз инновацион таълим технологияларидан психология фанларини ўқитишида фойдалансак талабалар илмий дунёқарашини юксалтиришда белгиланган талаблар даражасида шакллантириш имконини беради.

Демак, бўлажак мутахассисларнинг илмий дунёқарашини юксалтириш – илм-фан, техника-технология, маънавият, маориф, санъат ва шу кабиларни ривожлантириб, уларнинг ҳозирги ҳолатини янги сифат босқичига кўтариш дегани экан.

Бунинг билан интерфаол усуllардан фойдаланиш , ўқув-тарбия ишларининг интерактив усуllаридан фойдалана оладиган ҳамда ўзида педагогик фаолият маҳоратини ва кўнимкамларини шакллантирган юқори малакали кадр тайёрлашга эришилади.

Шунга кўра интерфаол ўқитиши таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гурухи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий

қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргалиқда излаш, ўқув материаларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – ўқувчи – ўқувчилар гурухи”нинг ўзаро бир-бирларини хурмат қилишлари, тушунишлари ва кўллаб-куватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади”<sup>3</sup>.

Дарҳақиқат, интерфаол усуслар таълим жараёнининг унумдорлигини оширади, ўқувчиларнинг мустақил фиклаш жараёнини шакллантиради, талабаларда билимга иштиёқ ва қизиқишни оширади, билимларни мустаҳкам ўзлаштириш, улардан амалиётда эркин фойдаланиш кўникма ва малакаларни шакллантиради.

Психология фанларини ўқитишида Ягона давра стратегиясидан фойдаланиш мақсадга мувоғиқ бўлади Ягона давра стратегияси ўқувчи(тингловчи ва талаба) ўрганилаётган мавзу юзасидан мустақил мантиқий фикрлаш, бошқалар томонидан билдираётган фикрларни тинглаш уларни тўлдириш шахсий фикрларини асослаш хулоса чиқариш қобилиятини тарбиялашга хизмат қиласи. Мавзу юзасидан талабаларнинг фикрини билиш мухим, Шунинг учун хар бир талаба фикр билдираётганда унинг сўзини бўлиш қўшимча қилиш хеч кимга хатто ўқитувчига хам рухсат этилмайди. Стратегияни кўллашда қуйидаги шартларга риоя этиш шарт.

1. талабалар давра қуриб ўтиришлари ўртага ташланган савол юзасидан ўз тушунчаларини баён этишлари.

2. Талабалар ўзларига навбат келишини қутиб ўтирмай мавзу (савол, масала, муаммо) юзасидан фикрларини айта олишлари

3. Машғулотда хар бир талабанинг фаол иштирок этиши мухокамага ўз хиссасини қўшишини таъминлаш

Ўқувчи (талаба)ларнинг мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларига эга бўлишларида ушбу стратегия алоҳида аҳамиятга эга.

Мавзу моҳиятини ёритувчи тушунчалар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни кўрсата ва асослай олиш талабаларда мустақил фикрлаш, шахсий ёндашувларини далиллаш тенгдошларнинг фикрлари ва шахсий ғояларни ўзаро таққослаш кўникмаларини ҳам шакллантиришга имкон беради.

Масалан “Бешинчиси олтинчиси, еттинчиси ортиқча” стратегиясидан фойдалиши талабаларига билиш жараёnlарини сананг ва бешинчиси, олтинчиси, еттинчиси ортиқча, усули юзасидан қайси жараён ортича саволини бериш асосида талабанинг берилган саволни фикрлаш жараёнини агализ синтез қилишга таққослашга умумлаштиришга ўратади.

Шунингдек, стратегия психология фанларига оид машғулотлар давомида ҳар бир талабага турли топширикларни индивидуал бажариш,

<sup>3</sup> Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. – 122-бет.

унинг устида мустақил ишлаш имконини беради. Бу стратегия ўқувчиларда бир қатор тарбиявий характердаги, яъни: мустақил ишлай олиш; мулоқатга киришувчанлик; хушфеъллик; ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш; фаоллик; фаолиятга ижодий ёндашиш; фаолиятнинг самарали бўлишига қизиқиш ва интилиш; ўзини ўзи баҳолаш каби сифатларни шакллантиришга ёрдам берди.

Стратегия қўлланилган машғулот талабаларни ўрганилган ёки ўрганилиши керак бўлган мавзу бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга олиш, тўпланган фикрлашни умумлаштириш, уларни ёзма равишда ёки расм, чизма, тасвир, схема, модел кўринишида ифодалашга ўргатади. Мазкур стратегия жуфтлик, кичик гурухлар ёки жамоада ташкил этилади. Талабалар тушунчаларни ёзма равишда таърифлайди ва уларни тақдимот асосида жамоага намойиш қиласди.

Таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион технологиялардан фойдаланиш бўлажак мутахассисларни хар томонлама шакллантиришга қаратилган бўлиб, метод орқали ўқув мақсадларига эришилади, обьект фаолиятини субъект муносабатига алмашиниш, фаоллаштириш ва натижани олдиндан кафолатини белгилашни таъминлаб беради.

Бундай ўйиннинг дикқатга сазовор томони шундаки, бўлажак мутахассис ўз касбий фаолиятини такомиллаштиришга онгли ва ижодий ҳолатда ёндашади.

Хуроса қиласидан бўлсак, юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш жойизки, ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлаш бугунги кунинг асосий мақсад ва зифаларидан бир бўлиб келмоқда. Албатта ҳар бир таълим олаётган талабага касбий йўналганлигидан келиб чиқсан ҳолда қўлланилган, интерфаол метод ишбилармонлар ўйинидан фойдаланиш ижодийташкилий-педагогик фаолиятбўлиб, унинг ёрдамида таълим-тарбия жараёнигини истиқболли ва самарали услубиятини яратиш ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дақайд этилган рақобатбардош замонавий кадрларни тайёрлашга эришиш мумкин экан.

### **Адабиётлар рўйхати:**

- 1.Каримов И.А. “Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз ” – 7 чи том.  
–Тошкент: Ўзбекистон, 48...б.
- 2.Ш.М.Мирзиёев “Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур” Тошкент:23. 08.2019 йил йиғилиш материалларидан 4.б.
- 3.Т.Фаффорова “Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар”.- Тошкент 2011й-46-846
- 4.Kamolova, S. (2022). ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5191>
- 5.Shirin Kamolova, РАСПРОДАЖА И РАЗВИТИЕ НАУЧНОЕ МИРОВОЗРЕНИЕ СТУДЕНТОВ, Журнал *Педагогики и психологии в*

современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education

6.Shirin Kamolova, САМОВОСПИТАНИЕ – ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ ГАРМОНИЧНО – РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education

7.Shirin Kamolova, ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari

8.Shirin Kamolova, THE ROLE OF UNIVERSAL AND SCIENTIFIC VALUES IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF FUTURE TEACHERS, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании (октябрь)

9.Shirin Kamolova, ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ҚОБИЛЯТЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 2 № 5 (2022): Журнал педагогики и психологии в современном образовании (январь)

10.Shirin Kamolova, ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАНИИ ЯВЛЯЕТСЯ ТРЕБОВАНИЕМ СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании (октябрь)

11.Shirin Kamolova, АВЕСТОДА АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК КҮРИНИШЛАРИ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari (Noyabr)

12.Shirin Kamolova, IMPLEMENTATION OF PEDAGOGICAL ETHICS IN FUTURE TEACHERS, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari (Noyabr)